Ушбу сонда: 2 КЎРИЛГАН ЗАРАР ҚОПЛАНДИ | 3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ | 4 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 5 ноябр, сешанба № 174 (1391)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР















Жиззах вилояти пахтакорлари 250 минг тонналик пахта хирмонини бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уларга тиббий кўрик, маиший транспорт хизмати мунтазам кўрсатиб келинмоқда. Мавсум бошидан буён вилоятнинг Дўстлик, Зафаробод, Мирзачўл туманлари деҳқонлари етиштирилган оқ олтинни йиғиштириб олишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

**Суратларда: пахтакорлар фаолиятидан лавҳалар.**

**Н.БЎРИЕВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига*

## ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА БОШ МЕЗОН

Бу йил халқимиз мустақил Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллигини кенг нишонлайди. Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун – мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ходиса ҳисобланган унутилмас санадир. Ўзбекистон Конституцияси ҳар томонлама мукаммал ишланган, ҳаётий, демократик, халқаро ҳуқуқнинг барча талабларига жавоб беради. Қомусимизнинг асосий қоидалари: Ўзбекистон Республикаси – суверен демократик давлат эканлиги, бу давлат халқ иродасини ифода этиши, мамлакат чегараси ва ҳудудининг дахлсизлиги, ўзбек тилининг давлат тили эканлиги, она юртимиз ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга эканлигидир.

Дунёдаги барча халқларнинг мустақиллик, озодлик ва фаровон ҳаётга интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва тинч-тотув яшашга азму қарори уларнинг ўз давлатида содир қилган туб ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи мустаҳкам асосдир. Собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган (1990 йил март), кенг миқёсда чуқур ислоҳотларни олиб бораётган. жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳамда бу борада дадил қадам ташлаётган бизнинг Ўзбекистондир. Конституциямиз орқали янги демократик ҳуқуқий давлат пойдеворини қурганлигимизни жаҳонга намоён қилдик. Энг муҳими – Асосий Қонун жаҳон майдонида янги суверен давлат – Ўзбекистон республикаси дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Президентимиз Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги тантаналарида алоҳида таъкидлаганидек, «Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», деб кўтарган истиқлол байроғини, ҳуррият байроғини баланд кўтаришимиз учун асос бўлмоқда.

Бош Қомусимиз ўзбек халқининг ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги азалий орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади. Унинг халқчиллиги, ҳақиқий демократия андозаларига мослиги ва ҳуқуқий давлат қуриш дастури эканлиги шунда кўриндики, уни яратишда БМТ ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган барча қоидаларига амал қилинди.

Давлатимиз Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинадиган бошқа қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб беради. Шунга мувофиқ Ўзбекистоннинг ички сиёсати ўз ичига иқтисодий, ижтимоий, маданий, техникавий ва бошқа соҳалардаги фаолият йўналишларини олади. Ташқи сиёсат моҳияти халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари билан иқтисодий, сиёсий, маданий, техникавий ва бошқа соҳалардаги муносабатларни қамраб олади. Маълумки, ташқи муносабатларда мустақил бўлиш ҳар бир давлатнинг эзгу нияти бўлиб, у мустақилликнинг зарурий шартларидан биридир. Мана яқинда БМТ Бош котиби Кофи Аннан, Польша раҳбари Александер Квасневскийнинг Ўзбекистонда бўлиши, мамлакатимиз Президентининг Венгрия диёрига расмий ташрифи – барқарор ва бардавом ташқи сиёсий йўлимизнинг ёрқин тимсолидир.

**(Давоми 3-бетда).**

*2002 йил-Қарияларни қадрлаш йили*

## ПЕНСИОНЕРЛАРГА СИҲАТГОҲГА ЙЎЛЛАНМА

***Халқ хўжалиги ривожини электрсиз тасаввур этиш қийин. Жиззах электр тармоқлари акциядорлик жамияти жамоаси вилоят саноат корхоналарини, қишлоқ хўжалигини ҳамда аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. Корхонанинг бугунги молиявий аҳволи анча дуруст. Ишчиларга етарли даражада шарт-шароит яратиб берилган. Иш ҳақи, мукофот ва ёрдам пуллари ўз вақтида тўлаб берилмоқда.***

— Корхонамизда 848 нафар касаба уюшма аъзоси бор, - дейди тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳомжон Ўринов. — Шунинг 100 нафарини кексалар, 95 нафарини аёллар ташкил этади. 130 нафар нафақахўр қарияларимиз бор. Уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келаяпмиз. Бошланғич касаба уюшма қўмитамиз қарори билан ишлаётган ва айни чоғда нафақада бўлган кексаларимизнинг юбилейларида корхона бошқош. Шунингдек, уларга энг кам иш ҳақининг 25 бароборигача, яъни 60 минг сўм моддий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда.

59 нафар нафақахўр кексаларга 2 миллион 788 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси томонидан 29 нафар ишчи-хизматчига 2 миллион 407 минг сўмлик, касаба уюшма қўмитаси томонидан 19 кишига 1 миллион 615 минг сўмлик йўлланмалар ажратилди. Шулардан 9 таси ишламайдиган пенсионерларга улашилди. Улар республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида даволаниб, дам олиб қайтишди. Корхонанинг 269 нафар ишчи-хизматчисига 4 миллион 992 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мавжуд 848 нафар касаба уюшма аъзосига 7 миллион 915 минг сўмлик овқат пули тўлаб берилди.

Меҳнат қилган киши дам олишни ҳам билади. Корхона ходимларини соғломлаштириш мақсадида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган спорт зали, меҳмонхона ишлаб турибди. Спорт мусобақаларида корхона ишчи-ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

Шунингдек, турли байрамлар ва кўнгилочар тадбирлар уюштирилиб, уларда корхонада меҳнат қилаётган ҳамда нафақадаги ишчи-ходимлар оила аъзолари билан қатнашиб келишаётир.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

«Тадбиркор аёллар» уюшмасининг Самарқанд вилоят бўлимида ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ишини янада такомиллаштиришга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман ЮСАИД - Америка халқаро тараққиёт агентлигининг «START» академияси ҳамда АҚШнинг «Каунтерпарт-Консорциум» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимиздан ташқари Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган нодавлат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманнинг айнан мамлакатимизда ўтказилаётгани бежиз эмас. Мутахассислар эътироф этишича, Ўзбекистонда демократик бошқарувнинг маҳалла бўғини бетакрор ва ўзига хос анъанага эга. Истиқлол йилларида у жамият ҳаётидан, айниқса, мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Иштирокчилар анжуманга ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини ташкил этиш ҳамда янада ривожлантириш бўйича ўз лойиҳаларини тақдим этди. Шунингдек, анжуманда Шимолий Ирландиядан келган мутахассислар иштирокчиларни бу борадаги ўз тажрибалари билан таништирди.

**(ЎзА).**

*Қарор ва ижро*

## МАКТАБ

### қўшимча маблағ ишлаб топмоқда

***Ўқув жараёнига зарар етказмасдан мактаб жамоаси қўшимча маблағ ишлаб топиши мумкин. Буни Қўшработ туманидаги 10-,26-,50-мактаблар мисолида кўриш мумкин. Айни шундай фаолият туфайли Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳам таъминланмоқда.***

Шу билан бирга мактабларнинг ўқув-моддий негизи мустаҳкамланаяпти, ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошаяпти. Масалан, туманнинг Оқтепа қишлоғидаги 10-мактабда бюджетдан ташқари олинган, даромад ҳисобига 9 та, О.Қодиров номли ширкат хўжалигидаги 50-мактабда 6 та қўшимча синфхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай мисоллар анчагина.

Айниқса, тумандаги 26-мактаб жамоасининг бу борадаги тажрибаси диққатга сазовордир. Унинг замонавий биноси 1986 йилда фойдаланишга топширилган. Катта бинони аъло даражада сақлаб туришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун маблағ керак, албатта. Очиғи, молиявий-иқтисодий қийинчиликлар даврида бюджет ажратмалари, ҳомийларнинг ёрдами эҳтиёжни қондира олмаётганди.

— Ана шу вақтда республикамиз ҳукумати бюджет ташкилотларининг қўшимча маблағ билан таъминлашни ташкил қилишга оид қарор қабул қилди. Бу билан мактаблар учун янги имкониятлар очилди, — дейди Қўшработ туманидаги 26-мактаб директори Қурашбой Бубаков. — Айни пайтда бу мақсаддаги ишлаб чиқариш, пулли хизматлар таълим муассасасининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлиши, ўқув жараёнига халал бермаслиги лозимлиги белгилаб қўйилди. Ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ мактабимизга туман ҳокимининг қарори билан ҳуқуқий мақом берилди, ер майдони ажратилди. Аммо ишимиз бирданига юришиб кетмади.

Дастлаб 26-мактаб учун 2000 йилда лалмикор ерлардан 10 гектар майдон ажратилди. Бироқ, кейинги йиллардаги қурғоқчилик оқибатида мазкур ердан ҳосил олиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди. Қўл қовуштириб ўтирадиган фурсат эмасди. Жамоа аъзолари билан маслаҳатлашилиб, ўқув парталарини ишлаб чиқариш режалаштирилди. Бу иш меҳнат таълими ўқитувчиси Амрилло Давировга юклатилди. Тез орада ишлар бошлаб юборилди. Жуда қулай, арзон парталар тайёрланди. Лекин турли сабаблар, айрим тушунмовчиликлар таъсирида бу иш тўхтатиб қўйилди. Барча қийинчиликларга қарамай мактаб жамоаси ўтган йили 650 минг сўм даромад олди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш заҳиралари, биноларни ижарага бериш, пулли тўгараклар ташкил қилиш кабилардан унумли фойдаланилмоқда.

Зармитон геология-қидирув корхонаси билан ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома тузилганлиги мазкур ўқув маскани учун фойдали бўлди. Бунга кўра мактаб корхона буюртмасини бажарадиган, яъни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун махсус қоплар тикиб берадиган бўлди. Шунинг ҳисобига йилнинг ўтган тўққиз ойида қарийб 1 миллион сўм қўшимча маблағ ишлаб топилди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яқинда Жанубий кон бошқармаси билан ҳам ҳамкорликни бошламоқчимиз, — дея суҳбатини давом эттиради раҳбар. — Бу йил ишлаб топилган маблағ ҳисобидан мактабда катта ҳажмда таъмирлаш ишлари бажарилди. Бинонинг иккинчи қаватидаги синф хоналари, йўлаклар замон талаблари даражасида пардозланди. Ўқув жиҳозлари, компьютер сотиб олинди. Эндиликда ишимизни янада ривожлантирмоқчимиз. Шу мақсадда мактаб қошида «Эркин Мадатов» номли ўқувчилар кичик корхонаси ташкил этилди. Унинг ихтиёрига 20 гектар лалми ер ажратилди. Об-ҳаво серёғин йилларда бундан каттагина даромад олиш мумкин. Бундан ташқари, шу йил апрел ойида бўлган «Мактаблар куни»да вилоят ҳокими келиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кредит ажратилишига кўмаклашишини айтди.

Шундай қилиб, туманда боқимандалик гирдобидан чиқиб, қўшимча даромад олишга ҳаракат қилаётган мактаблар кўп. Олинаётган даромад асосан ўқув масканларининг моддий негизини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилаяпти.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ — 25 ЁШДА

1984 йили метронинг янги йўналиши - «Ўзбекистон» йўли ишга туширилди. Дастлаб бешта бекат фойдаланишга топширилди. 1992 йили эса ўн бир бекатдан иборат мазкур йўналиш тўлалигича халққа хизмат кўрсата бошлади.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида метро транспорти фаолиятини янада яхшилаш ва кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан қисқа вақтда Тошкент метрополитенининг «Юнусобод» йўналиши лойиҳалаштирилди ва қурилиш-пардозлаш ишлари бошлаб юборилди.

Истиқлолнинг қутлуғ ўн йиллик тўйи арафасида узунлиги қарийб саккиз километр бўлган «Юнусобод» йўналиши ишга туширилди. Пойтахт ерости транспорти инфратузилмаси сезиларли даражада кенгайтирилди, қурилиш-пардозлаш ишларини бажариш учун 38 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Ҳозир мазкур йўналишда олтита - «Минг ўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари аҳолига хизмат кўрсатяпти. Шу кунларда йўлнинг иккинчи қисмида ҳам қурилиш ишлари жадал бормоқда.

Умуман олганда, йигирма беш йил давомида 4 миллиарддан ортиқроқ йўловчи Тошкент метроси хизматидан фойдаланди.

Тошкент метрополитенида мазкур сана муносабати билан бўлиб ўтган маросимда сўзга чиққанлар ана шулар ҳақида гапирди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЛОЙИҲАСИ

## Оролбўйини ривожланишнинг ойдин йўлига олиб чиқади

Мураккаб экологик вазият вужудга келган Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилган. Чўл ҳудудида жойлашган Элликқалъа туманида саноат, қурилиш, савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш салмоғи ошиб бораяпти.

Халқ хўжалигида ислоҳотлар дадиллик билан жорий этилаяпти. 13 та жамоа хўжаликлари фермерлар уюшмаси ва ширкат хўжаликларига айлантирилди. Мавжуд 34 минг гектар суғориладиган экин майдонлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банки билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳа доирасида Сурхондарёнинг Шеробод, Қашқадарёнинг Нишон, Андижоннинг Марҳамат, Тошкент вилоятидаги Оҳангарон туманлари қатори Элликқалъада ҳам катта ишлар бошланди.

Гуруҳ раҳбари Бахтиёр Аминовнинг ҳикоя қилишича, асосий мақсад қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, жойларда қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш, мамлакатимиз экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналар ва фермер хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 43,5 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, Жаҳон банки 36,2 миллион доллар миқдорида 25 йилга кредит ажратган. Шундан 9282 минг АҚШ доллари Элликқаъла миқдорида қарз ажратилди.

Беш йўналишдан иборат дастур бўйича барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун пахта хомашёси ва дон маҳсулотларини давлатга сотиш, бўнак тўлаш, ирригация-мелорация тармоқларини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, машина, трактор хизмати ва бошқа қатор тизимлар ўзгартирилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш катта ва масъулиятли иш. Бунинг учун иқтисодий ечимларни ҳал қилувчи тизимлар билан узвий алоқа ўрнатиш, лойиҳа фаолиятини режалаштириш, молиявий текширувларни бошқариш, тегишли маълумот ва таклифларни қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда жаҳон банкига тақдим қилиш лозим. Айни пайтда гуруҳда намунали конселтинг хизмати ишлаб турибди. Туман ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда семинар-кенгаш ўтказилиб, лойиҳанинг аҳамияти ҳақида тушунтиришлар берилди.

Хайрли ишлар давом этмоқда. Қишлоқ аҳли бозор иқтисодиёти тамойилларини ўрганмоқда ва ҳаётга тадбиқ этаяпти. Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банкининг амалий ёрдами ва республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли ривожланишнинг ойдин йўлидан борилмоқда.

**ЁЛҚИН.**

# МУҲИМИ - МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Мамлакатимиз пойтахтида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси негизида Суғурта бизнеси ўқув маркази иш бошлади.

Мазкур марказни таъсис этишдан мақсад суғурта соҳасида амалий йўл билан орттириладиган кўникмаларни такомиллаштириш, касбий билимларни эгаллаш ва чуқурлаштиришга қаратилган ўқув дастурлари ва махсус курсларни амалга оширган ҳолда универсал таълим тизимини яратишдир.

- Маълумки, таълим жамият ривожида алоҳида ўрин тутади, айнан таълим унинг келажагини белгилайди, интеллектуал салоҳиятни шакллантиради. Сўнгги вақтда турли даражадаги кадрлар малакасини мунтазам ошириш жараёни жадал ривожланмоқда, бизнес-таълимни шакллантиришда ҳам муҳим қадам ташланди,-дея таъкидлади ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи Баҳром Ашрафхонов.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ва молиявий вазиятнинг ўзгариши таълим ва кадрларни қайта тайёрлашнинг юқори самарали ноанъанавий шаклларидан кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўқув маркази ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун семинар-практикум, тренинг, давра суҳбатлари, ахборот-маслаҳат тадбирлари ҳамда тренер-маслаҳатчининг алоҳида ишлаши каби таълимнинг турли шакл ва услубларидан фойдаланади.

Бу эса марказнинг ўқитувчилари ва маърузачиларига, шу жумладан мамлакатимиз ва хорижий суғурта бозорининг етакчи мутахассисларига тингловчилар олаётган билимларни яхши ўзлаштиришини таъминлаш, ўқув материали ўзлаштирилиши сифатини ошириш, ўқувчиларнинг ўқув жараёнига фаол жалб этилишига кўмаклашиш имконини беради.

**(ЎзА).**












«Каштекс» акционерлик жамиятида 832 нафар ишчи хизмат қилади. Уларнинг 570 нафарини эса хотин-қизлар ташкил этади. Корхонада меҳнаткашлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, ишчилар махсус кийим-бошлар билан тўла таъминланган. 150 нафар зарарли ишда ишловчиларга доимий равишда сут маҳсулотлари бериб борилади.

Меҳнаткашларга ғамхўрлик ўз самарасини бераётир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ошиб, харидорларга маъқул тушмоқда. Шу билан бирга, турли хил эркаклар ва аёллар кийимларининг Германия, Италия, Белорус каби хорижий давлатларга экспорт қилинаётганлиги жамият салоҳиятини оширмоқда.

– Италия технологияси билан тўлиқ жиҳозланган корхонамизда 9 та цех узлуксиз фаолият кўрсатмоқда, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Гулсара Ҳайдарова. – Биз маъмурият билан ҳамкорликда ишчиларимиз ижтимоий ҳимоясига муҳим эътибор қаратганмиз.

**Суратларда: «Каштекс» акционерлик жамияти фаолиятидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Ислоҳот берган имкон*

# БУНЁДКОР ҚАЛБЛАРДА ВАТАН СИЙРАТИ

***Мен фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги учун табиий шароит оғир бўлган мана шу мавсумда белни маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилган, мамлакатимизда энг кўп — 684 минг тоннадан зиёд ғалла, 420 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирган азамат деҳқонларни, сиз, лафзи ҳалол қашқадарёликларни қўлга киритган улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан табриклайман ва ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдираман.***

**Ислом КАРИМОВ**

Президентимиз Қашқадарёга қилган сафари чоғида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, пудратчи ва хўжаликлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал бўлишини таъминлаш, тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масалаларига алоҳида тўхталган эдилар.

Давлатимиз раҳбари билан бўлган самимий учрашувлар воҳа меҳнаткашларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди, янги зафарлар сари руҳлантириб юборди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар, буюк жаҳонгир Амир Темур камол топган муқаддас юрт, ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилган Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги тантаналари пахтакорларнинг меҳнат ютуқлари билан уйғунлашиб кетди. Миришкор деҳқонлар давлат омборларига 420 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, йиллик шартномавий режаларни ортиғи билан уддаладилар. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерга тўғри келди.

Ўзининг бекиёс салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган бепоён чўллар, ям-яшил яйловлар, мевазор боғлар қулф урган, бир томонини пурвиқор тоғлар ўраб турган Қашқадарё воҳасида бунёдкор, содда, дилкаш, тўпори ва фидойи одамлар яшайди.

Китоб, Яккабоғ, Қарши туманлари пахтакорлари биринчилар қаторида зафар маррасини эгалладилар. Касби, Шаҳрисабз, Косон, Чироқчи, Нишон, Усмон Юсупов ва бошқа туманларнинг заршунослари ҳам улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар.

Далаларда 200 мингга яқин чеварлар белларига этак боғлаб пахта терди-лар. Уларга 111 мингдан ортиқ хашарчилар кўмакдош бўлишди. Яратилган катта хирмонга деҳқон-фермер хўжаликлари 111 минг тоннадан ортиқ пахтаси билан улуш қўшди.

Қийинчиликлар ва ташвишлар ортда қолди. Табиат машаққатлари пахтакорлар руҳини туширолмади. Қатъият ва ишонч, ҳар бир агротехника тадбирини вақтида бажариш муваффақият келтирди. Китоб туманидаги «Наврўз», «Навбаҳор» К.Рустамова номли, Қарши туманидан Яхши Омонов, «Ипак йўли», Собир Раҳимов номли, «Истиқбол», «Бешкент» Касбидаги Саидо Насафий, «Пахтакор», Чироқчидаги «Наврўз», «Бешчашма», Қамашидан «Қорабоғ», Ғузордан Охунбобоев номли, Косон туманидан «Косон», Яккабоғдан «Ўзбекистон», «Соҳибқирон», Шаҳрисабздан Улуғбек номли хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 35-40 центнерни ташкил этди.

Мавсумда 45 минг тонналик хирмон яратган қаршиликларнинг пахтачиликдан келадиган умумий даромади 7,2 миллиард сўмга етади. Шундан 2,4 миллиард сўми соф фойдадир. Истиқлол меваларидан баҳраманд бўлган кўплаб меҳнаткаш ва ориятли деҳқонлар ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Касбилик Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайбулла Раҳмонов, Қарши туман «Бешкент» ширкат хўжалигидан Содиқ Мирзаев, Усмон Юсупов тумани «Жейнов» хўжалигидан Гулчеҳра Мўминова каби оилавий пудратчилар ҳосилдорликда юқори натижаларга эришдилар.

Вилоятдаги 4109 фермер хўжалиги, 11712 нафар оилавий пудратчилари ғўзани меҳр билан парвариш қилдилар. Терим қатнашчиларига иш ҳақи вақтида тўланганлиги, қулай шароитлар яратиб берилганлиги, моддий манфаатдорлик оширилганлиги ижобий натижа берди.

Иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган. Косон туманидаги Равшан Эшқулов бошлиқ «Эшқулобод» фермер хўжалиги миришкорлари қўриқ ерларда ҳосилдорлик жуда юқори бўлди. Нишон туманидаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги раҳбари Тўра Раҳмоновнинг ташкилотчилиги туфайли пахтанинг ўзидан 20 миллион сўм даромад олинди.

– Ўтган йили пахта тайёрлаш бўйича режа бажарилмаган бўлса-да, етиштирилган ҳосил республика бўйича энг сифатли маҳсулот сифатида тан олинди, - дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Эсон Ражабов. – Пахтадан тола ажратиш 34,4 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган толанинг 98,6 фоизи хорижга экспорт қилинди. Жорий йилда иқтисодий кўрсаткичлар янада ошади.

— Пахта етиштиришдан 1 миллиард 500 миллион сўм даромад олдик, - дейди У.Юсупов туманидаги «Жейнов» хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулло Саидов. Деҳқон ислоҳотни чин қалбдан ҳис қилгани учун қишлоқ хўжалиги юксалишининг ойдин йўлига ўтиб олдик.

Марказий банк вилоят бош бошқармасининг бошлиғи Жаббор Тўйчиевнинг айтишича, жорий йил якунига кўра воҳадаги ширкат хўжаликлари томонидан пайчиларга 2 миллиард сўм миқдорида дивидент берилади.

Қашқадарё битмас-туганмас хазиналарга бой, унинг саховатли ерида тошдан ҳам гул ундирса бўлади. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларидан ялпи юксалишга эришилди.

Вилоятда ички маҳсулот ҳажми ўтган 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 7,9, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,6, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 18,1 фоизга ортди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан 109,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Тадбиркорлик субъектларини моддий қўллаб-қувватлаш учун 8358 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 35554 та, жумладан қишлоқ жойларида 31855 та янги иш ўринлари яратилди. Аҳоли жон бошига 2445 сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида жами 9909 ўринли 9 та касб-ҳунар коллежи реконструкция қилинди ва 5 та янги коллеж қурилди. 600 ўринли 1 та академик-лицей фойдаланишга топширилди.

Аҳолини табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. 286 километр газ, 136,5 километр сув қувурлари ўтказилди. 46 та қишлоққа сув ва 34 та қишлоққа газ олиб борилди.

Экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни иқтисолдиётга жалб қилиш масалалари 2000-2005 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурга мувофиқ амалга оширилаяпти. Экспорт ва импорт ўртасидаги ижобий тафовут 47,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Четга чиқарилган хом ашё таркибида пахта толасининг улуши 68, озиқ-овқат маҳсулотлари 17,5 фоизни ва бошқа маҳсулотлар улуши 14,5 фоизга тўғри келди. Фаолият кўрсатаётган 50 та қўшма корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 9861,7 миллион сўмдан ошиб кетди.

Вилоятда 2002-2003 йил кузги-қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўрилаяпти. Коммунал соҳадаги ислоҳотлар ҳамда уй-жой фондини табиий газ ва ичимлик сув сарфини ҳисобга олиш ускуналари билан жиҳозлаш соҳасида жиддий силжишлар рўй берди. Мавжуд иситиш қозонхоналарининг 108 тасида капитал, 352 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 59 та кўп қаватли турар-жой бинолари таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шайланди.

Вилоятдаги 503 та мактабнинг 300 тасини газлаштириш режалаштирилган. Ибратли томони шундаки, бу муҳим ишга кетадиган маблағнинг ярми хўжаликлар, ярми маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилади.

Вилоят ҳокимлиги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда касаба уюшмалари кенгаши ўртасида 2001-2003 йилларга мўлжалланган жамоа келишувининг бажарилиши қатъий назоратда. Иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатлари изчиллик билан амалга оширилаяпти. Жамоа келишувларининг ижроси бўйича шаҳар ва туманлараро, меҳнат жамоаларида фаоллар йиғилиши ўтказилаяпти.

Юқори сифат ва катта даромад одамларга фаровонлик келтирмоқда. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, Қашқадарёда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан, воҳанинг ўз куч-қудратига ишонган, иродаси тоғ қояларидек мустаҳкам, мард ва бағрикенг халқининг жўшқин меҳнатидан ўрнак олса арзийди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Суғурта — ижтимоий ҳимоя воситаси*

# КЎРИЛГАН ЗАРАР ҚОПЛАНДИ

**Мустақиллик йилларида республикамиз суғурта тизимининг тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва аҳолисини ҳар хил табиий офатлардан, фавқулодда ҳолатлар натижасида етадиган зиён-заҳматлардан ҳимоялашда «Ўзагросуғурта» давлат акционерлик компаниясининг ҳиссаси катта.**

Компаниянинг Косон туман бўлими бошлиғи Рўзиқул Итолмасовнинг иш хонасида бир гуруҳ фермерларни учратдик. Улар суғурта ходимлари билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, об-ҳаво қийинчиликлари туфайли кўрилган зарарни қоплаш хусусида суҳбатлашарди.

— «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши тизим ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолият жараёнини кенгайтиришда имкониятлар яратди, - дейди бўлим раҳбари. — Корхона ва фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш асосий вазифамиздир.

Туманда мавжуд ширкат хўжаликларидан ташқари ғаллачилик билан шуғулланадиган 802 нафар, пахта етиштирадиган 716 нафар фермерлар билан шартномалар тузилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан тайёрлов ташкилотлари транш маблағларини тарқатишдан аввал суғурта идорасига тегишли бадалларни тўлашлари керак. Пахта тозалаш корхоналари бўнак маблағларни қишлоқ хўжалик корхоналари контракция шартномаларига мувофиқ ва «Ўзагросуғурта» компанияси билан шартнома тузилгандан сўнг ўтказиб беради.

«Пахтабанк», қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, тайёрлов ташкилотлари билан ҳамкорликда аванс маблағларининг мақсадли ишлатишини, ўсимликлар парваришида агротехника қоидаларига амал қилинишини мунтазам назоратга олган. Қишлоқ хўжалик экинлари агротехникаси бўйича уруғ қадалганидан токи ҳосил йиғиштириб олингунга қадар мониторинг олиб борилади. Ана шундай тадбирлар муваффақиятли ўтказилганлиги учун ҳам тумандаги «Эшқулобод», «Рўзи ота», «Зойир карвон», «Умарбек», «Тўлға», «Эргаш бобо» фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш анча изга тушди. Ердан фойдаланиш қоидалари бузилишига йўл қўйган фермер хўжаликлари билан тузилган суғурта шартномалари бекор қилинди.

Суғурта бозорининг шаклланиши ва тараққий этишида тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим ўрин тутади. «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғинида Тўрамурод Абдуллаев, «Гувалак» ширкат хўжалигидан Холбўта Зуврқулов, Қуйибоғ маҳалласидан Хўжам Дилмуродов, «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинидан Маҳмуд Ҳайдаров каби вакилларнинг фаолликлари туфайли ихтиёрий суғурта шартномаларини тузиш йўлга қўйилди.

Уй-жойи шикастланган 70 нафар фуқарога 2 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Бойғунди қишлоғида яшовчи Б.Мирзаева, «Дўстлик» фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ш.Бобоқуловларга бир йўла 30 минг сўмдан маблағ тўланди. «Гулистон», «Косон» ва Беруний номли жамоа ширкат хўжаликларига 2,5 миллион сўм ўтказиб бердик.

Тадбиркорлик ва ўзаро ишонч руҳида иш олиб борилганлиги туфайли 44 миллион сўмлик суғурта бадаллари туширилиб, режа адо этилди. Бугунги кунда суғурта тўловларидан баҳраманд бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Эндиликда одамлар унга яқин мададкор сифатида қарашмоқда.

**И. ИСОМУДДИНОВ.**

# ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАГАН ҲОЛДА БЕРИЛАДИГАН ТАЪТИЛЛАР

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

***Савол: оилавий шароитим туфайли ҳақ тўланмайдиган таътил олмоқчи эдим, бунинг учун нималар талаб қилинади?***

***Умуман, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар тўғрисида тушунча берсангиз.***

**Гулжаной МАҚСУДОВА,**
**Бухоро шаҳри.**

**Жавоб**: Иш ҳақи сақланмайдиган ҳолда бериладиган таътилларни икки турга бўлиш мумкин. Уларнинг бири – ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан бериладиган таътил, иккинчиси ходимнинг хоҳишига кўра иш берувчи томонидан қонун асосида берилиши шарт бўлган таътил.

Биринчи деб белгиланган таътил Меҳнат Кодексининг 150-моддасига мувофиқ ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилиши мумкин (лекин иш берувчи учун шарт эмас). Унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади. Демак, ходимга фақат икки ҳафтага эмас, балки уч ой, олти ой ёки ундан ортиқ муддатга ҳам иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин.

Лекин иш берувчи ҳам, ходим ҳам шуни ёддан чиқармаслиги керакки, Меҳнат Кодексининг 142-моддасига биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътиллар ходимга йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига кирмайди.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил ходимнинг ихтиёрига боғлиқ. Шунинг учун бу таътиллар мажбуран берилмайди, акс ҳолда у қонуний ҳисобланмайди.

### БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Кўпчилик ҳолларда муассасада таъмирлаш ишлари олиб борилганда ёки бошқа узрли сабаблар билан иш берувчилар ходимлардан ариза ёздириб олиб, уларга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берадилар. Бу нотўғри. Аслида бундай иш берувчининг айби билан бекор туриб қолган ходимларга Меҳнат Кодексининг 159-моддасига асосан ўша вақт учун ўртача иш ҳақи тўланиши керак.

Энди иш берувчилар учун иш ҳақи сақланмайдиган таътиллар берилиши шарт бўлган масалага келсак, бу Меҳнат Кодексининг 150-моддаси II қисмининг, 232 ва 256-моддаларида белгилаб қўйилган.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши шарт:

– 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

– ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

– икки ёшдан уч ёшгача болани парвариш қилаётган шахсларга;

– икки ва ундан ортиқ ўн икки ёшгача боласи бор ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга – ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

– олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охирги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календар кун муддатга;

– меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Иш берувчи томонидан ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилиши шарт бўлган таътилларнинг кейинги йилга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилганда уларнинг иш жойи сақлаб қолинади.




Наманган вилояти Учқўрғон туман Ички ишлар бўлими томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, туманда йилдан-йилга жиноятлар сони камаймоқда. Бунда маҳаллалар фаоллари билан ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган саъй-ҳаракат муҳим рол уйнамоқда.

**Суратларда: туман ИИБ бошлиғи, милиция майори Аюбхон Раҳматуллаев (ўртада) милиция капитани Дилмурод Маҳмудов ва кичик лейтенант Абдураҳим Юсуповлар билан бўлғуси тадбирлар хусусида фикр алмашмоқда.**

**Ҳ.ИКРОМОВ олган суратлар.**

# ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА БОШ МЕЗОН

***(Боши 1-бетда)***

Ҳуқуқий, демократик давлатнинг асосий белгиси – бу барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Конституциянинг 106-моддасида «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», дея суд ҳокимиятининг мустақиллиги қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилди. Асосий Қонунимизнинг 107-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, иш муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат. Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди» деб белгилаб қўйилган. Булар орасида Конституциявий суд мутлақо янги институт бўлиб, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг қабул қилган актлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Олий Мажлиснинг кейинги сессияларида қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги янги қонун ҳамБош Қомусимиз асосида, унинг нормаларига тўлиқ амал қилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, биз ҳуқуқий давлат қурар эканмиз одил судловни амалга ошириш, унинг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, уларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифамиздир.

Шу тариқа эндиликда Конституция баландпарвоз шиорлар, баёнотлар мажмуи эмас, дастуриламал ҳужжат эканлигига кўникиш лозим. Бошқача айтганда жамиятни Конституция бошқариши керак, унинг қоидалари барча ҳуқуқий муносабатларда бош мезон бўлиб хизмат қилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишидан келиб чиқадиган вазифалар ҳам шундан иборатдир. Конституция халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули экан, демакки, унга қатъий амал қилиш ҳам халқ зиммасидадир. Асосий Қонун ҳақида сўз юритар экан, шундай деб ёздилар: «Олдимизда эркин фуқаро, шахснинг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, ўз кучига ва лаёқатига таянадиган, теварагида кечаётган воқеаларга мустақил муносабатга эга бўлган ва шунинг бароборида шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган инсонларни тарбиялаш вазифаси турибди»

Конституциямиз олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик тамойилларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланганлигини ҳамда маънавий асосларини мустаҳкамлаб берди. Шу тариқа 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг тарихида биринчи марта халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига асосланган реал, туб маънодаги демократик Конституция (муқаддима, 6 бўлим, 26 боб, 128-моддадан иборат) яратилди ва кучга киритилди. Ушбу Конституция 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси» ва 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган тамойиллар ва ғояларни ўзида тўла мужассамлаштирди ва уларни ривожлантирди. Фақат миллий истиқлол, давлат мустақиллигига эришиш туфайли Ўзбекистон Республикасининг тамомила янги, инсон манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи чинакам демократик Конституциясини яратишдек улкан тарихий имконият вужудга келди. Бу минг-минг йиллик тарихга эга бўлган халқимизнинг маънавий ва сиёсий ҳаётидаги оламшумул воқеа эди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз Конституциясида ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон конституциявийлик илмини мужассам этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига суянилганлиги ҳам Бош Қомусимизнинг ўзига хос муҳим хусусиятидир. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу ҳужжат, яъни Конституция мамлакатимиздаги аввалги ижтимоий-иқтисодий, давлат сиёсий тизимини амалда бошқа тизимга айланганини, тубдан янгиланиш рўй берганини конституциявий расмийлаштириш лозим эди. Демак, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунан янги, принципиал сиёсий ҳужжатдир. Унда давлат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Асосий Қонунимиз жаҳоннинг сиёсий харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини қонуний тасдиқлаб берди.

Давлатимиз фаол ташқи сиёсат олиб бориш тарафдори эканлигининг баён этилиши Конституциянинг бутунлай янги тамойилларидан биридир. Унда мамлакатнинг ўз миллий давлат манфаатлари устувор эканлиги белгиланган. Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Конституцияда белгилаб берилган давлатларнинг тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган бошқа қоидаларига ва меъёрларига асосланади (Ўзбекистон Конституциясининг IV боб, 17-моддаси).

Республикамиз бошқа давлатлар билан биргаликда халқимизнинг манфаатлари, фаровонлик ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин. Ўзбекистон БМТнинг аъзоси (1992 йил 2 март), шунингдек, республикамиз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ОБОЕ) миқёсида ҳам 10 йилдан ортиқ фаол иштирок этиб келмоқда. Мамлакатимиз ЭКО (Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти), Марказий осиё Ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа нуфузли давлатлараро ва минтақавий уюшмаларда қатнашмоқда. Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида ҳам фаол иштирок этиб, нафақат Европада, балки, Ғарб оламида мустаҳкам ва ишончли стратегик ҳамкорларга эга бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон жорий йилда АҚШ ва Япония билан стратегик ҳамкорлик олиб бориш бўйича муҳим аҳдномаларга эришди. Маълумки, ташқи сиёсат дипломатия йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши билан давлатимиз мустақил ва айни пайтда миллий дипломатияга эга бўлди.

Шундай қилиб инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик ҳужжати, инсонпарварлик, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. Асосий Қонунимиз улкан сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Шу тариқа истиқлол шарофати билан Конституция жамиятимизга халқ манфаатлари йўлида ислоҳотларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга ҳуқуқий асослар яратди. Бош Қомусимиз инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни белгилаб бермоқда. Конституция давлатимизнинг қиёфаси ва нуфузини белгилаб берган экан, жамиятимиздаги инсонлар ҳам эзгулик, тенглик ва тинчликка даъват этган Бош Қонунга муносиб бўлмоқлари керак.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

### ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Бугунги кунда республикамизда «LINK paints traiding» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган лак ва бўёқлар харидоргир бўлиб қолди. Мазкур корхона жорий йилда мамлакатимиздаги ўнлаб ташкилотларга қарийб 500 тонна сифатли маҳсулот етказиб берди. Бу корхона ташкил этилгандан буён эришилган энг юқори кўрсаткичдир. Олинган фойда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, замонавий технологияларни жорий этишга сарфланмоқда.

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасига 1998 йилда асос солинган эди. Ўшанда бу ерда илк маротаба биноларнинг ички ва ташқи пардози учун ишлатиладиган бўёқлар тайёрлана бошланган. Ҳозир йўл белгилари учун оқ ва сариқ рангдаги бўёқлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ихчам ва бежирим идишларда чиқарилаётган маҳсулот ички бозорни тўлдирмоқда. Бўёқ ва лаклар нисбатан арзон бўлиши билан бирга, узоқ сақланади, иқлим ўзгаришларига чидамли.

Корхона бош директори ўринбосари Анвар Ҳусеновнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, мижозлар билан маҳсулот етказиб бериш борасида имзоланаётган шартномалар сони тобора ортмоқда.

**(ЎзА).**

# ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Самарқандда Немис ўқув маркази иш бошлади. Уни А.С.Пушкин номидаги вилоят кутубхонаси Тошкентдаги Гёте Интер Национес институти билан ҳамкорликда ташкил этди. Бу ерда ўқувчилар немис тилини ўрганиш билан бир қаторда, немис халқининг маданияти, санъати, иқтисоди ҳамда тарихи ҳақида ҳам кенг маълумотлар олади.

Ўқув марказида немис тилини ўрганиш учун барча шароит мавжуд. Аудио-видео ускуналар, 700 га яқин илмий ва бадиий асарлар, юздан ортиқ аудио ёзувлар китобхонларга хизмат қилади. Германияда чиқадиган вақтли нашрлар марказга узлуксиз етказиб берилади. Шунингдек, бу ерда компьютер ва интернет тизимидан сабоқ олиш мумкин.

Марказнинг очилиш маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси М.Хеккер, Гёте институти директори Э.Латтаро, кутубхоначилар ҳамда шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

# СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Навоий вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш давлат дастури амалга оширилишига «Обиҳаёт-ЛТД» масъулияти чекланган жамияти ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жамият шу йилнинг ўтган даврида Навбаҳор туманидаги «Навбаҳор», «Наврўз», «Ижанд», «Учтут», Нурота туманидаги Ш.Рашидов номидаги, «Қизилча», Томди туманидаги «Керегетов» ширкат хўжалиги аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлади.

Айни пайтда жамият жамоаси Нурота туманидаги Азизобод аҳоли истиқомат жойига сув қувурларини тортиш, яйловларга сув чиқариш, Айдаркўл сувидан фойдаланиш мақсадида 25 километрлик канал қазимоқда. Ҳозиргача қарийб 90 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

**(ЎзА).**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ҚАРОРИ

Маълумки, анчадан буён АҚШ маъмурияти Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатиш масаласида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳамда АҚШ сенаторлари билан бир тўхтамга келиш масаласида анча баҳслар ўтказди. Ўтган ҳафта охирида, ниҳоят БМТ Хавфсизлик Кенгаши АҚШ томонидан Ироққа нисбатан бир томонлама куч ишлатиш тўғрисидаги президент Ж.Бушнинг таклифларини деярли маъқуллади. Кутилганидек Россия ва Франция вакиллари бу қарорга унчалик рўйхушлик бермади, Хитой эса бетарафлик нуқтаи назарида турди. Эндиликда Ироқ БМТнинг текширувчи мутахассислари билан мулоқотларини янгича изга солиши лозим. У мазкур мамлакатда ядровий, кимёвий, биологик қирғин қуролларининг йўқлигини исбот этиши лозим. БМТ давлат котибининг муовини Ричард Баучернинг берган баёнотида ҳам юқоридаги ҳолатлар акс эттирилди.

### КУБА РАД ЭТДИ

Яқинда АҚШ нуфузли ташкилотларининг эълон қилган баёноти катта шов-шувга сабаб бўлди. Улар Куба Республикаси оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш билан машғул бўлмоқда, деган хабарни илгари сурдилар. Аммо, Куба томони, хусусан мамлакат президенти Фидель Кастро ушбу хабарни эшитиши биланоқ дарҳол уни рад этди. Зотан, бу ерда оммавий қурол турларини ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақиқатдан анча узоқдир.

### ШАҲИДЛАР МАНЗИЛГОҲИ

Фаластиннинг Ғазо минтақасидаги Женин шаҳарчаси Исроил наздида террорчиларнинг асосий қароргоҳларидан бири ҳисобланади. Шу маънода бўлса керак, ўтган ҳафтада Исроил ҳарбий техникаси мазкур шаҳарчадаги шаҳидлар манзилгоҳлари деб аталмиш қатор иморатларни ер билан яксон қилдилар. Ўзларини фидойи ва шаҳидлар деб атовчи кимсаларнинг бу ерда тўпланганлиги ва улар кўпчилигининг Чеченистон ҳудудларида пайдо бўлганлиги фикримизнинг далилидир, деди Исроил бош вазири Ариел Шароннинг мутасадди ходимларидан бири. Чунки, жорий йил бошидан буён мазкур шаҳарчада 175 нафар террорчи ҳибсга олинган, деди у.

### ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ

Италия азалдан зилзила кўп рўй берадиган минтақа сирасига киради. Куни-кеча мамлакат жанубидаги Сан-Жулиано ва Кампобассо ҳудудида қаттиқ ер қимирлаши содир бўлди. Рихтер жадвали бўйича 5,4 кучга етган зилзила оқибатида қатор иморатлар вайрон бўлди. 20 нафар киши эса ҳаётдан кўз юмди. Айниқса, Сан-Жулианодаги фожеа кўпчиликни қаттиқ изтиробга солди. Чунки, зилзила рўй берган пайтда мактабда дарслар давом этаётган эди. Оқибатда 56 нафар талаба ҳамда 6 нафар ўқитувчининг тақдири аянчли бўлди. 20 нафар бола ҳамда 2 нафар ўқитувчи бир зумда нураган иморат тагида қолиб, жон бердилар. Қидирув ҳамда офат оқибатларини тугатиш ишлари давом этмоқда.

### СИФАТГА ЯРАША ХАРИДОР

Сўнгги йилларда Белорус саноати бир қадар тушкунликка туша бошлаган эди. Кейинги пайтларда бундай кўнгилсиз ҳолатга чек қўйилди, дейиш мумкин. Ҳозирги пайтда «Белорус» тракторларини МДҲ давлатларининг барчаси мамнунлик билан харид қилмоқдалар. Собиқ «Минск», ҳозир «Атланта» деб аталаётган музлаткичлар, «БелАЗ», «Маз» автомашиналари, «Горизонт» телевизорлари жуда харидоргир бўлиб қолди. Уларни сотиб олишда МДҲ мамлакатлари ҳамда хорижий шериклар Белорус саноатчилари билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

### НОМАЪЛУМЛИКДАН МАШҲУРЛИККА

Словенияда бўлиб ўтган шатранж чемпионати 14 яшар Александра Костенюк оиласи учун қувонч келтирди. Қизалоқ ўз истеъдодини намойиш қилиб, энг кучли шоҳмотчи аёллар ўртасида ажойиб ўйинлар кўрсатди. Натижада у мазкур чемпионатнинг ғолиби бўлди. Шу тариқа А.Костенюк аёллар ўртасида гроссмейстерлар ўртасидаги энг ёш чемпионга—гроссмейстерга айланди.

### МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Андижон вилоятидаги «Бўз пахта тозалаш заводи» акционерлик жамияти АҚШ, Буюк Британия ва Швейцарияга ўз маҳсулотларини экспорт қила бошлади.

Заводда технологик линияларнинг янгиланиши туфайли маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти туғилди. Ҳозир бир сменада 28 тоннагача пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса корхонани замонавийлаштиришгача бўлган даврга нисбатан 10 тонна кўпдир. Ишлаб чиқаришни янгилаш нафақат маҳсулот сифатини ошириш, балки экологияга таъсирни сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

*Иккинчи истеъдод*

# СОЛИҚЧИ - ГРОССМЕЙСТЕР

***Бирлашган араб амирликларининг Дубай шаҳрида ҳар йили халқаро шахмат мусобақасини ўтказиш яхши анъанага айланган. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мусобақада жаҳоннинг донгдор шахматчиларидан 168 нафари иштирок этди. Уларнинг 48 нафари гроссмейстер эди. Ана шундай нуфузли мусобақада ҳаваскор шахматчи, Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси назорат ишлари инспектори Акбар Алибоевнинг ҳам иштирок этиши ўзига хос воқеа бўлди. У 9 имкониятдан 5 очко тўплаб, «ФИДЕ гроссмейстери» деган унвонга сазовор бўлди. Бу унвонни тасдиқловчи сертификат Акбарга тантанали суратда топширилди. Унга Халқаро шахмат Федерацияси Президенти Кирсан Илюмжинов имзо чеккан эди.***

Солиқ тизимидан фақат Акбар халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаяпти. Шу боисдан ҳам Давлат солиқ қўмитаси уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти. Қўмитанинг ҳомийлик ёрдами билан Акбар республикамиз шахматчилари ўртасида иккинчи ўринни эгаллаб, олий лигага йўлланма олган ва халқаро мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. У 2000 йилдан Дубайда ўтказиб келинаётган халқаро шахмат мусобақаларида қатнашиб, ниҳоят, «ФИДЕ гроссмейстери» деган унвонни қўлган киритди.

Шахматга бўлган қизиқиш Акбарда ўқувчилик йилларида уйғонган эди. Отаси Раҳмон ака ва амакиси Имом ака ўртасидаги шахмат баҳсларини қизиқиб кузатар, ўйиндан сўнг уларни саволларга кўмиб юборарди. Шу қизиқиш уни Термиздаги «Зукко» клуби томон етаклади. Шахмат бўйича спорт усталигига номзод мураббий Александр Савченко ундаги иштиёқ вақтинчалик эмаслигини дарров сезди ва Акбарни ҳаваскор шахматчилар сафига қабул қилди. Клуб ҳақиқий маҳорат мактаби вазифасини ўтади. 9 ойда биринчи разрядли шахматчи нормативини бажарди. 1989 йилда республика ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақада иштирок этиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Кейинроқ Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб ўтказилган турнирларда маҳоратини яна ҳам оширди.

1990 йилда эркак шахматчилар ўртасида вилоят биринчилигида ғолиб чиқиб, спорт усталигига номзод бўлди. Ҳозиргача у вилоятнинг мутлоқ чемпиони бўлиб турибди.

Акбар мустақиллик йилларида чет давлатларда ўтказилган кўпгина мусобақаларда республикамиз шарафини ҳимоя қилди. Австрия, Венгриядаги халқаро мусобақалардан сўнг Дубайда муваффақиятли қатнашди.

Шахмат бўйича республика ва халқаро мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришаётган солиқ хизмати ходими Акбар Алибоев билан барча ҳамкасблари фахрланадилар.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.**







# СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА





*Кино оламида*

***Жасурлик ва мардлик, ватанпарварлик ғояларини мужассам этган Ўзбек Кураши дунёга юз тутди. Яхши ниятлар билан ташкил этилган Халқаро Кураш ассоциацияси Ўзбек Кураши довруғини янада оширмоқда. Ўзбек Курашининг 2006 йилги Осиё ўйинлари дастурига киритилиши миллий спорт туримизнинг энг улкан ютуқларидан бири бўлди.***

# «НОТАНИШ ПОЛВОН»

## бадиий фильми суратга олиняпти

Бугун Акобир Қурбонов, Маҳмадўст Тошев, Эрали Маҳмарасулов, Баҳром Авазов, Нодирхон Музаффаров сингари кураги ерга тегмаган ўғлонларимиз юртимиз фахри ҳисобланади. Яқинда Арманистоннинг Ереван шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбек Кураши бўйича жаҳон чемпионатида шоҳсупага кўтарилган яна бир ҳамюртимиз Исоқ Аҳмедовга ҳам барча ҳавас қилади. Зеро, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда иштирок этган Исоқ Аҳмедов 13 марта олтин медал соҳиби бўлган.

Кураш ҳақида фикр юритар эканман, беихтиёр, мард ва жасур, фидойи йигитлар шаънига битилган шеърни эсладим. Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Оқтом қишлоғида яшовчи II гуруҳ ногирони Холтўра Каримов ўзбек полвонлари ҳақида шундай ёзади:

***Истиқлол нурларидан***
***баҳра олган Ватаним,***
***Чинору чечакларинг***
***қайта яшнар чаманим,***
***Қайтадан***
***тикланмоқда ҳам***
***қадрият, ҳам шаъним,***
***Ўзлик ўзига теккан***
***ўзбегим полвонлари.***
***Сулаймон бобосининг***
***удумини қўллаган,***
***Шогирд полвонларини***
***юксакликка йўллаган.***
***Али каби алпларнинг***
***қаторини мўллаган,***
***Устозу-Азим бўлган***
***ўзбегим полвонлари.***
***Танти йиқитса янграр***
***баковулнинг«Ҳалол»и,***
***Ҳеч кимга маъкул***
***эмас, «Ҳаром» ишнинг***
***малоли,***
***Номардларни тутар-о***
***парча ноннинг уволи,***
***Ризқини ҳалол терган***
***ўзбегим полвонлари.***

Дарвоқе, «Ўзбекфильм» ҳамда «Ўзтелерадиокомпания» ижодкорлари хайрли ишга қўл урдилар. Ҳамкорликда яратилаётган кўп қисмли бадиий фильм «Нотаниш полвон» деб аталиб, Ўзбек Кураши ҳақида ҳикоя қилади. Сценарий муаллифи Назар Эшонқул ориятли, Ватан шаънини қатъий туриб ҳимоя қиладиган йигитлар — ўзбек полвонлари ҳақида қалам тебратади.

Фильмдаги бош ролни Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов ижро этмоқда. Ўзбек Миллий академик театри актёри Алишер Ҳамроев Аваз роли орқали ёш полвон образини очиб беради. У устози Нурали бобо (Пўлат Саидқосимов) ҳамда Абдусалом (Аъзамжон Шокиржонов)лардан таълим олиб, кураш сирларини мукаммал ўргана боради.

– Фильмни суратга олиш жараёни республикамизнинг энг хушманзара жойлари, табиати гўзал қишлоқларида кетяпти, — дейди постановкачи режиссёр Нуриддин Қосимов. — Хусусан, фильмнинг биринчи қисми Тошкент вилоятидаги Сўқоқ қишлоғида суратга олинган бўлса, иккинчи қисми Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Оммағон, Тошбулоқ қишлоқлари ҳамда Мироқи шаҳарчасида суратга олиняпти. Суратга олишда воҳанинг кўзга кўринган полвонлари ҳам иштирок этишмоқда. Чунончи, Исоқ Аҳмедов, Давлат Чориевлар суратга тушишяпти. Шунингдек, таниқли бахшилар ижросида янграйдиган қўшиқлар ҳам фильмга янада гўзаллик бахш этади, деб ўйлайман.

– Фильмни суратга олишда яқиндан ёрдам бераётган туман ҳокимлигига, «Мироқи» санаторияси жамоасига миннатдорчилигимизни билдирамиз, — дейди режиссёр ёрдамчиси Тўрабек Жўраев.

Фильм янги йилдан бошлаб намойиш этилиши мўлжалланмоқда.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда «Нотаниш полвон» бадиий фильмини суратга олиш жараёни ҳамда актёрларнинг томошабинлар билан учрашуви акс эттирилган.**

*Футбол*

# «ҚИЗИЛҚУМ» ҲУЖУМГА ЎТДИ



Мавсум ниҳоясига етган сари учрашувлар ҳам кескинлашиб бормоқда. Хоҳ медаллар учун, хоҳ олий лигада қолиш учун бўлсин, курашга киришган жамоалар иштирокидаги ўйинлар, айниқса, шиддатли тус олмоқда. 26-турга белгиланган матчларнинг энг қизиқарлиси, шубҳасиз, Зарафшон, Тошкент ва Муборак шаҳарларида бўлиб ўтди. У нафақат мухлисларда, қилни қирқ ёрадиган мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Яхши маълумки, «Қизилқум» узоқ вақт турнир жадвалининг иккинчи поғонасида борди. Сўнг, унга «Насаф», кейинроқ эса «Нефтчи» рақобат қила бошлади. Охир-оқибат фарғоналик футболчилар кетма-кет ғалаба нашъасини суриб, кумуш медал учун асосий даъвогарга айландилар. Зарафшон шаҳрида кечган ўйин олдидан, ҳар ҳолда, шундай вазият юзага келган эди. Лекин учрашув хулоса чиқаришга ҳали эрта эканлигини кўрсатди. «Нефтчи» ҳам, «Қизилқум» ҳам сўнгги сўзларини айтишга ошиқмаётганликларини исботлаш учун астойдил ҳаракат қилдилар.

Ким кучли? Осиё чемпионлари Лигасида муваффақиятли қатнашаётган «Нефтчи» жамоасининг имкониятлари кўпроқ туюлса-да, аммо ушбу учрашувда майдон эгаларининг қўли баланд келди. Фарғоналик ҳимоячилар ўз дарвозабонларини таҳликали ҳужумлардан муҳофаза эта олмадилар. Оқибатда тўрт марта ўйинни майдон марказидан бошлаб, эвазига рақиб ҳимояси ва дарвозабонни бир марта мулзам этишга муваффақ бўлган «Нефтчи» жамоаси гарчанд эгаллаб турган ўрнини сақлаб қолган бўлса-да, буёғига эҳтиёт бўлиб ўйнамаса, қуйироқ поғонага тушиб кетиши эҳтимолидан узоқ эмас.

Эътироф этиш лозим, жуда кўпчилик «Трактор» ва «Зарафшон» ўртасидаги баҳс тошкентликлар фойдасига ҳал бўлади, деб тахмин қилганди. Лекин ўйин бунинг аксини кўрсатди. Яхшики, иккинчи бўлимда майдон эгаларининг ҳаракатларида мазмун пайдо бўлгани, акс ҳолда бутунлай аҳвол ўзгача тус олиши мумкин эди. Ҳисобда тенглик қайд этилди - 3:3. Бу «Зарафшон» учун нафас ростлаб олиш имкониятини берса, «Трактор» учун таҳликали дақиқалар етиб келганлигини яна бир карра эслатиб қўйди. Бинобарин, «Машъал» ўз майдонида «Қўқон-1912» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, ҳали олий лигадаги ўз мавқеини сақлаб қолиш имкониятини йўқотмаганлигини тасдиқлатиб олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Д» — «Сўғдиёна» - 2:0, «Навбаҳор» — «Насаф» - 1:1, «Андижон» — «Дўстлик» - 1:1, «Металлург» — «Сурхон» - 1:0, «Пахтакор» — «Бухоро» - 2:0.

### ТУРНИР ЖАДВАЛИ

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Пахтакор»** | **24** | **22** | **1** | **1** | **76-11** | **67** |
| **2. «Нефтчи»** | **27** | **19** | **3** | **5** | **68-29** | **60** |
| **3. «Қизилқум»** | **25** | **17** | **3** | **5** | **61-27** | **54** |
| 4. «Насаф» | 26 | 17 | 3 | 6 | 55-29 | 54 |
| 5. «Металлург» | 26 | 12 | 6 | 8 | 36-32 | 42 |
| 6. «Навбаҳор» | 26 | 12 | 4 | 10 | 45-35 | 40 |
| 7. «Бухоро» | 26 | 12 | 3 | 11 | 34-46 | 39 |
| 8. «Дўстлик» | 25 | 10 | 2 | 14 | 31-38 | 32 |
| 9. «Самарқанд-Д» | 26 | 9 | 3 | 14 | 24-39 | 30 |
| 10. «Андижон» | 26 | 8 | 5 | 13 | 34-51 | 29 |
| 11. «Сурхон» | 27 | 8 | 3 | 16 | 32-48 | 27 |
| 12. «Сўғдиёна» | 26 | 7 | 4 | 15 | 25-47 | 25 |
| 13. «Зарафшон» | 26 | 7 | 4 | 15 | 33-46 | 25 |
| 14. «Машъал» | 25 | 6 | 5 | 14 | 28-50 | 23 |
| **15. «Трактор»** | **26** | **6** | **5** | **15** | **29-54** | **23** |
| **16. «Қўқон-1912»** | **26** | **7** | **2** | **17** | **26-53** | **23** |



*Касаба уюшмалари болалар спорти ривожи йўлида*

***Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори кўпчилик қатори бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклади. Чунки болалар қалбида спортга меҳр ҳиссини уйғотиш уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига замин яратади. Шунингдек, спорт ёшларимиз қалбида Ватанга меҳр-муҳаббат, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.***

# МАЪНАН БАРКАМОЛ, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ

Вилоят тармоқ қўмитамизда спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлашга, айниқса, ёшлар ва болаларни жисмоний чиниқтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоятимизда ўтган «Универсиада» мусобақаси ҳамда мураббийларнинг республика спартакиадаси бу борадаги ишлар ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ушбу нуфузли мусобақаларни уюштириш ва ўтказишда касаба уюшмаларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Талаба-ёшларнинг «Универсиада-2002» мусобақасини ўтказиш муносабати билан вилоятдаги ташкилот ва муассасалардаги спорт базалари қайта таъмирланди. Жаҳон андозаларига мос келадиган янги стадион барпо этилди. Шунингдек, шаҳардаги барча мактабларда спорт майдончалари ташкил этилди, мавжудларига қайта кўрк бағишланди. Бухоро Давлат Университетининг спорт залини таъмирлашга 7 миллион 175 минг, Озиқовқат ва енгил саноат технологияси институти спорт мажмуини ташкил этиш учун 50 миллион сўм сарфланди. Ҳар бир спорт майдончаси ва зали замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан бухоролик ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш учун 1 миллион 500 минг сўм маблағ вилоят қўмитасига ажратилди. Ушбу маблағ спорт кийимлари ва анжомлари сотиб олиш учун сарфланди.

Тармоқ қўмитамиз томонидан ажратилган маблағга Бухоро давлат университети волейболчиларига спорт кийимлари олиб берилди. Шунингдек, университет касаба уюшма қўмитаси томонидан 160 минг сўмлик спорт анжомлари харид қилинди.

Вилоятимизда ёш спортчиларнинг саломатлигини тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 131 нафар спортчининг саломатлигини муҳофаза қилиш учун касаба уюшмалари томонидан 3 миллион 250 минг сўм сарфланган бўлса, бу йил эса бу рақам 11 миллион 247 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида «Ҳавас» стипендияси ташкил этилган. Ўтган ўқув йилида 14 нафар ўқувчига 252 минг сўм маблағ стипендия сифатида берилди. Бундан ташқари, ўқиш ва жамоат ишларида илғор талаба-ёшларга ҳам стипендия берилмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб уларнинг сони 20 нафарга етди.

Айни кунда вилоятимизда 80 нафар спорт устаси шулардан 9 нафари халқаро спорт устаси ёшларни маънан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб камолга етишларида фидойилик кўрсатишмоқда. Азалдан Бухорои шариф илму фан эгаларининг юрти бўлиши билан бирга, кураги ерга тегмаган паҳлавонлар ватани саналиб келган. Бугун Президентимиз ташаббуси билан Бухоро спорти яна ривож топди. Бунда тармоқ касаба уюшма қўмитамизнинг ҳам алоҳида ўрни борлигидан фахрланамиз.

**Ш.МАНСУРОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Бухоро вилоят қўмитасининг бўлим мудири.**


ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9161 Буюртма Г— 1019. 1 2 3 4 5 6